

**РОМИТАН ТУМАНИ ҚЎРГОН МАҲАЛЛАСИДА ТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

Жалилова Чарос Зарифовна

**(Бухоро давлат педагогика институти Табиий фанлар кафедраси
ўқитувчиси)**

Аннотация. Ушибу мақолада кичик маъмурий бирликлар, хусусан, туманлар ва уларнинг маҳаллаларида туризмни ривожлантириши масалалари ёритилган. Мақолада Ромитан туманидаги Кўргон маҳалласининг туристик имкониятлари ўрганилган. Ишда Кўргон маҳалласида туризм борасидаги амалга оширилган ишлар хусусида фикрлар баён этилган.

Калим сўзлар: Туризм, туризм имкониятлари, географик ўрин, Ромитан тумани, Кўргон маҳалласи, "Етти Пир", туризм маҳалласи.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы развития туризма в небольших административных единицах, в частности, районах и их махаллях. В статье рассматриваются туристические возможности Курганского махалла Рамитанского района. В работе выражены мнения о деятельности, проводимой в сфере туризма в Курганском махалле.

Ключевые слова: Туризм, туристические возможности, географическое положение, Рамитанский район, Курганский махалла, "Етти Пир", туристический махалла.

Abstract. This article discusses issues of tourism development in small administrative units, in particular, districts and their mahallas. The article discusses the tourism opportunities of the Kurgan mahalla of the Ramitan region. The work expresses opinions on the activities carried out in the field of tourism in the Kurgan mahalla.

Key words: Tourism, tourist opportunities, geographical location, Ramitan district, Kurgan mahalla, "Etti Pir", tourist mahalla.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари жуда катта туристик имкониятларга эга. Булар орасида Бухоро вилояти ўзининг ноёб архитектура ёдгорликлари, тарихий обидалари, диний зиёратгоҳлар ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўплиги билан алоҳида ажralиб туради.

Бизга маълумки, Бухоро вилояти шаҳар ва туманлари орасида туризм асосан вилоят – Бухоро шаҳрида ривожланган. Аммо, вилоятнинг туманларида ҳам туризмни янада ривожлантиришнинг истиқболлари мавжуд.

Бухоро вилояти шаҳар ва туманлари орасида туризм нисбатан яхши ривожсанган туманлардан бири Ромитан туманидир. Туман ҳудудида 10 га яқин диққатга сазовор жойлар бор. Бундай обьектлар сирасига Хўжа Заъфарон, Хўжа Уббон, Хўжа Ниёз Хоразмий, Ҳаким Мулло Мир архитектура ёдгорликлари, Чориқулбой Пирнафас ўғли номидаги кўприк, Кўргони Ромитан археология ёдгорлиги, “Bukhara Desert Oasis & Spa” экокластери ва х.к. Бундан ташқари, Бухоронинг 7 пирларидан иккиталарининг, яъни, тўртинчи пир – Хўжа Али Ромитаний (Хўжа Азизон), бешинчи пир – Муҳаммад Бобои Самосий зиёратгоҳилари ҳам шу туманда жойлашган. Қолаверса, туман табиати ҳам ўзига хос. Унда жаннатмакон воҳа ҳудуди билан бирга, чўл ҳудудлари ҳам мавжуд. Мазкур омиллар сабаб Ромитан туманида нафақат ички, балки ташқи туризмни ҳам ривожлантиришнинг катта имкониятлари бор.

Ромитан туманидаги туризм обьектларидан бири Кўргони Ромитан археология мероси обьектини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси обьектлари рўйхатига киритиш бўйича номзодлик ҳужжатлари тайёрланмоқда. Бу эса туманга ташқи туризмни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Шаҳар ва туманларнинг туристик имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан бир нечта қарор ва фармонлар чиқарилди. Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” Фармонидир. Ушбу фармонда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, бутун республика ҳудудлари доирасида туризмни янада ривожлантириш ишлари белгилаб берилди. ПФ-5781-сонли фармонда белгиланган муҳим масалалардан бири туман ва шаҳарларнинг туризм

салоҳияти юқори бўлган ҳудудларида “Туризм маҳалласи” ,“Туризм қишлоғи” ва “Туризм овули”ни ташкил этилишидир.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекисон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 10 июлдаги 433-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар йиғинларига «Туризм маҳалласи» «Туризм қишлоғи» ва «Туризм овули» мақомини бериш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг ижросини таъминлаш мақсадида юқоридаги мақомларни олиш тартиби жорий қилинди. Унга кўра:

- фуқаролар йиғини ҳудудида хорижий ва маҳаллий туристларни қабул қилиш учун камидаги 20 та оиласи мөхмон уйларининг мавжудлиги;
- фуқаролар йиғини ҳудудида туристларга камидаги 5 хил сифатли туристик хизматларни тақдим этиш (туар жой ва (ёки) овқатланиш хизматларидан ташқари);
- фуқаролар йиғини ҳудудида туризмнинг қуйидаги турларидан бирини ташкиллаштириш:
 1. экологик (геотуризм);
 2. агротуризм (қишлоқ);
 3. этнографик;
 4. маданий ва тарихий;
- фуқаролар йиғини ҳудудида маҳаллий ишлаб чиқарилаётган эсдалик совғалари маҳсулотларини (камидаги битта савдо нуқтаси) сотиш шоҳобчаларини ташкил этиш каби яна 10 дан ортиқ шартларни¹ бажариши лозим.

Мазкур фармон ва қарорлардан келиб чиқиб, Бухоро вилоятининг ҳар бир тумани ҳудудида туристик имконияти мавжуд ҳудудлар танлаб олиниб, улар асосида вилоятда 10 дан ортиқ “Туризм маҳалласи” ва “Туризм

¹ Батафсил қуйидаги электрон адресдан маълумот олиш мумкин: <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=1440>

қишлоғи” шакллантирилмоқда. Ана шулардан бири Ромитан туманидаги Кўргон туризм маҳалласидир. Кўргон туризм маҳалласи Ромитаннинг бой тарихга эга масканларидан биридир. Унда тарихнинг турли даврларига тегишли бой архиектура объектлари ва археология ёдгорликлари сақланиб қолинган.

Кўргон маҳалласи Ромитан туманинг ғарбий қисмида (Ромитан бўллагининг²) жойлашган бўлиб, Бухоро – Газли йўли яқинида ўрнашган. Ҳудуд туман маркази (Ромитан шаҳри) ва вилоят маркази (Бухоро шаҳри) билан транспорт қатновига эга. Бу эса ҳудуднинг географик ўрнининг қулийлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, Кўргон маҳалласида Ромитан туманинг бошқа ҳудудларига нисбатан туризм бирмунча яхши ривожланган. Бунга энг аввало, Кўргон маҳалласи худудида бир нечта туристик объектлар ва имкониятларнинг мавжудлиги сабаб бўлган. Булар:

- Бухоронинг 7 пирларидан, тўртинчиси – Хўжа Али Ромитаний (Хўжа Азизон) зиёратгоҳи;
- Бухоронинг 7 пирларидан, бешинчичиси – Муҳаммад Бобои Самосий зиёратгоҳи;
- Қадимий Кўргони Ромитан археологик ёдгорлиги;
- Аҳолининг дехқончилик маданияти ривожланганлиги (анор ва анжир етиштириш маданияти) ва ҳ.к.

Бугунги кунда мазкур маҳаллани «Фуқаролар йиғинларига «Туризм маҳалласи» «Туризм қишлоғи» ва «Туризм овули» мақомини бериш тартиби тўғрисидаги Низом» ривожланиб келмоқда. Ҳозирги кунда маҳаллада анча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, йўллар таъмирланиб, атрофлари ободонлаштирилмоқда. 10 дан ортиқ янги оиласвий меҳмон

² Маълумки, Ромитан тумани Ўзбекистон Республикаси туманлари орасида географик жойлашувига кўра алоҳида ажralиб турди. Туман худуди бир биридан ажralган 3 та қисм – Ромитан, Газли ва Қизилравот ҳудудларидан ташкил топган.

уйлари, савдо дўконлари ва умумий овқатланиш муассасалари барпо этилмоқда.

Шунингдек, яқин келажакда “Хўжа Али Ромитаний” зиёратгоҳи олдида “Анжир ва узум” фестивалини ташкил этиш, “Қўрғон” тепалигини ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиб, уни олдида қадимий “Қўрғон” тепалиги музейини ташкил этиш белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, бундай амалий тадбирлар Ромитан туманида, хусусан унинг Қўрғон маҳалласида туризмни янада ривожлантириб, уни вилоятимизнинг асосий туризм маҳалаласига айлантириши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сонли «Ўзбекисон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
3. <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=1440>